

Масал эпик поэзиянинг энг кадими жанрларидан бири. У милоддан аввал Юноистон, Хиндистон, Миср сингари кадими мамлакатларда тугилган. Айникса, юон масалчиси Эзоп асарлари катта шухрат козонди ва бу жанрнинг кейинги тараккиётига кучли таъсир кўрсатди. Кейинчалик масал жанри ривожига Францияда Лафонтен, Россияда И.А.Крилов ва ўзбек адабиётида Гулханий катта хисса кўшдилар.

Асрлар давомида масал жанрига хос хусусиятлар деярли бир хил бўлиб келган. Бу хол унинг тасвир манбаи ва олдига кўйиладиган вазифалар билан изохланади.

Масал ахлокий-таълимий максадларни кўзловчи кичик аллегорик шеърий хикоядир.

Масалда инсонга хос турли салбий хусусиятларни кулги остига олиш йўли билан ахлокий-таълимий, насиҳатомуз фикрлар олга сурлади.

Кўпчилик масалларда одамга хос кусур ва иллатлар хайвонлар, паррандалар, баликлар образи оркали кўрсатилади; аллегория эртаклардаги каби масалларда хам хайвонларга хос бўлган кўпчиликка маълум хусусиятлар (тулкининг айёргилиги, бўрининг очкўзлиги, эшакнинг ахмоклиги, күённинг кўркоклиги, шернинг кудратлилиги, булбулнинг хушвазлиги) тарзида майдонга келади. Масал мазмуни кўпинча сикик, ўткир ва кичик воеа оркали ифодаланади.

Масалга хос бундай сюжет унда ифодаланаётган мазмун рухиятини аник-равshan юзага чиқариш, аллегорик шакл эса асардаги персонажлар характерини киёсий йўл билан ёркин кўрсатишга олиб келади. Кўпчилик масаллар икки кисмга бўлинади. Биринчи кисмда, одатда, хажв остига олинаётган нарса, ходиса ёки персонаж, яъни кисса берилади. Иккинчи кисмда эса, тасвирланган воеадан келиб чикадиган ахлокий-таълимий, насиҳатомуз фикр дашном, хулоса тасвир этилади, яъни киссадан хисса чиқарилади. Хамзанинг «Тошбака ва чаён» номли масалининг биринчи кисмida тошбака билан чаённинг дўст бўлиб сафарга чикишгани, анхорга етишганда, тошбака дўстини устига миндириб олгани, лекин сувда чаён хиёнат килиб, унга нишини санчигани, кейин эса тошбака сувга шўнгиганида, хиёнаткорнинг окиб кетганлиги хикоя килинади. Масал охирида киссадан куйидагича хисса чиқарилади:

**Хисса: кими гайри улфат этар,  
Ўз-ўзича бошига кулфат этар.**

Бирок масалларнинг хаммаси хам бу тарзда икки кисмга бўлинавермайди. Баъзан биринчи кисмнинг ўзи келтирилиб, асарда ифодаланмокчи бўлган фикр ун-дан жуда яккол келиб чикканлиги сабабли иккинчи кисмта эхтиёж колмайди.

Масал насрда хам, назмда хам ёзилаверади ва хаётдаги иллатларни кулги остига олинишига кўра сатирага киради, комизмга мансуб, комизм эса пафоснинг драматизм,

юмор, героизм, (кахрамонлик), кўтаринкилик, романтика ва бошка турларидан биридир. Масал ўзбек мумтоз адабиётида даставвал фольк-лорда, шунингдек, Навоий, Гулханий, Хамза каби шоирлар ижодида хам муайян ўрин тутган. Бу жанр XX аср ўзбек адабиётида Сами Абдукахдор, Ямин Курбон, Олим Кўчкорбеков, Мухтор Худойкулов сингари адиблар ижодида муайян даражада ривож топди.

Хаёт очерк, хикоя, повесть, роман тарихини алохида-алохида ва яхлит холда илмий текширишни, бу соҳаларда капитал илмий асарлар яратишни такозо этаётир.

Эркин Худойбердиев